

Намоз, намоз, намоз!!!

14:56 / 28.04.2017 3967

Ислоннинг аркони билан мусулмоннинг аркони ўртасида фарқ бор. Ислоннинг аркони бешта экани ҳаммага маълум. Лекин мусулмоннинг аркони эса уни ҳамиша лозим тутадиган, бирор бир ҳолатда ҳам ундан ажрамайдиган нарсадир. У шаҳодат (яъни, иймон) ва намоздир. Аслида мусулмон кишининг зиммасида беш арконнинг барчасига иймон келтириш фарз бўлсада, лекин амалга келганда гоҳида (маълум сабабларга кўра) шаҳодат ва намоздан бошқаси мусулмондан соқит бўлиб туради. (Шайх Муҳаммад Мутавалий Шаъровий)

Намознинг фарзлиги шу даражадаки, бирон-бир ҳолда ҳам бандадан соқит бўлмайди. Киши камбағал бўлса унга закот бериш фарз эмас, ҳажга қодир эмас кишига ҳаж фарз эмас, касал ёки мусофирга рўза тутиши фарз бўлмайди. Аммо буларнинг бирортаси намозни соқит қила олмайди. Туришга қодир эмас киши ўтириб, ўтиришга қодир эмас киши ётиб, имо-ишора билан ўқийди дейилган. Баъзи уламолар имо-ишорага қодир эмаслар кўз қараши билан рукуъ, сажда қилади, ҳатто қалбидан намоз амалларини ўтказиб бўлса ҳам ўқийди, деганлар.

Дарҳақиқат намоз ўта муҳим ибодат бўлиб, банда билан Роббиси ўртасидаги воситадир. Агар банданинг намози яхши бўлса, Аллоҳ билан унинг ўртаси яхши бўлади. Натижада Аллоҳ таоло у билан бошқа бандаларининг ўртасини ҳам ислоҳ қилиб қўяди.

Юнус ибн Убайд: “Банданинг икки хислати бор, агар улар ислоҳ бўлса, бошқа барча ишлари ислоҳ бўлади. Намози ва тили”.

Жаннат аҳли дўзах аҳлидан: «Сизларни дўзахга нима киритди?» деб сўраганларида, уларнинг биринчи айтадиган сўзлари ҳам «Бизлар намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик», (Муддассир; 42-43) деб жавоб бериш бўлади.

Минг афсус, кўпчилик намозхонлар намоздаги зикрларни тўғри талаффуз қилмайдилар. Қироат, сано, такбир ва ҳ. к.з.лардаги айрим камчиликлар намозни буткул бузиб юборади. Ҳатто баъзи жойларда имомга иқтидо қилганда, қироат ёки такбирлар намозга яроқсиз бўлгани сабабли намозни қайта ўқишга мажбур бўлган ҳолларимиз ҳам бўлиб туради. Бунга

беэтибор бўлмаслик керак, чунки Қиёматда иймондан кейин намоздан сўраламиз.

Намознинг шаъни улуғ эканини унутмайлик!!!

Қудратуллоҳ Сидиқметов